

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ**

ДЖУМАЕВА ГУЛНОЗА ПРИМОВНА

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒУЗА НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИДА МУРАККАБ
ДУРАГАЙЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences

Джумаева Гулноза Примовна

Ўрта толали ғўза навлари селекциясида мураккаб дурагайлашнинг
самарадорлиги..... 3

Джумаева Гулноза Примовна

Эффективность сложной гибридизации в селекции средневолокнистых
сортов хлопчатника 21

Djumaeva Gulnoza Primovna

Effectiveness of composite crossing in upland cotton breeding 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ДЖУМАЕВА ГУЛНОЗА ПРИМОВНА

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИДА МУРАККАБ
ДУРАГАЙЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда дунёнинг 89 мамлакатига, жумладан Европада 9 та, Осиёда 29 та, Африкада 32 та, Америкада 19 та мамлакатда ғўза экилмоқда¹. Халқаро Пахтачилик консультатив комитетининг (International Cotton Advisory Committee-ICAC) 2015 йил маълумотларига кўра, ташқи бозорларга бир мавсумда пахта толасини етказиб бериш бўйича АҚШ 29%, Ҳиндистон 16% ва Покистон 10% ни ташкил қилади. Дунё бўйича охириги 10 йил давомида пахта толасига бўлган талаб 15% дан 50% гача ошди². Ҳозирги вақтда, дунёда ғўзанинг хўжалик белгиларнинг кенг ўзгарувчанлиги ва гетерогенлигига эришиш, турли дурагайлаш усуллардан кенг фойдаланиб, абиотик ва биотик омилларга бардошли навлар яратиш долзарб ҳисобланади.

Дунё микёсида ғўза навларини турли хил чапиштиришларга жалб этиш ва шу асосда янги дурагайлари яратиш муҳим аҳамият касб этади. АҚШ, Хитой, Австралия, Исроил ва Бразилия каби мамлакатларида *G. hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларини мураккаб дурагайлаш усуллари орқали ҳосилдор, тезпишар ва тола сифати юқори бўлган навлар яратилган. Экилаётган айрим ғўза навларининг қимматли хўжалик белгилари қишлоқ хўжалиги талабларига тўла жавоб бермаслиги ҳамда аксарият навларда турли иқлим шароитларига мосланувчанлик бўлмаганлиги сабабли, баъзи етишмаётган белгиларини яхшилаш мақсадида турли чапиштириш усулларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Ушбу изланишларни узлуксиз тарзда давом эттирган ҳолда мураккаб дурагайлашнинг тўла самарадорлигини юзага чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг микёсда тадбирлар амалга оширилмоқда. Селекционер олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида ўрта толали ғўзанинг тола чиқими, тола узунлигини ҳамда битта кўсақдаги пахта вазнини оширишга эришилди. Республикаимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, ғўза экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни ошириб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»³ вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

¹www.FAO.org

²www.ICAC.org.hk

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460—сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза селекциясида турли чагиштириш услубларининг самарадорлигини тадқиқ қилиш бўйича дунё олимлари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Н.В.Нарлан, М.Л.Мартини, F.N.Briggs, G.Jonson, I.Dudley, R.W.Allard, B.Griffing, B.J.Nayman, S.N.Kadara, Mac Key, С.Бороевич ва бошқа олимлар томонидан селекцияда турли чагиштириш усулларини қўлланилиши натижасида янги бойитилган ўсимлик шакллари ва навлари яратилган. Ҳиндистон шароитида тижорат навларидан ҳосилдорлиги бўйича 10% ва ундан ортиқроқ устун бўлган навлар яратилган (S.N.Kadara); АҚШда 16 та нав ўртасида ўтказилган чагиштириш асосида ўзида 8 та ота-она зигота плазмасига эга бўлган F_1 дурагайлари яратилган (Н.В.Нарлан and М.Л.Мартини); Ўзбекистонда турли мураккаб дурагайлаш услублари орқали генотиби бойитилган селекцион ашёлар ва навлар яратилган (Ш. Намазов, П. Ибрагимов, Г. Холмуродова, Б. Ўрозов ва бошқ).

Кейинги йилларда турли хил дурагайлаш усулларини қўллаш асосида хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга генетик жиҳатдан бой рекомбинантлар яратилган. Лекин, ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга селекцион ашёлар яратишда қўлланилган қўш, беккросс оила ва тизмаларнинг барқарорлашуви етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун, ўрта толали ғўзанинг мураккаб беккросс ва қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оила ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашувини ўрганиш, таҳлил қилиш мураккаб дурагайлаш усулида яратилган ашёларни генетик-селекцион жараёнларга тадбиқ қилиш бўйича афзалликларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-047 «Ғўзада конвергент дурагайлаш асосида қимматли

хўжалик белгилари мужассамлашган бошланғич ашё яратиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-8-078 «Ўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган, қурғокчиликка ва касалликларга чидамли рекомбинантлар, оила ва тизмаларини яратишда конвергент ва геномларо дурагайлашнинг самарадорлиги» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўш ва беккросс чатиштириш усуллари орқали яратилган юқори авлод дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланишини таққослаб ўрганиш асосида қўлланилган усулларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда селекция жараёни учун бошланғич ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўш ва беккросс дурагайлашнинг турли усуллари асосида яратилган селекцион ашёларни қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳолаш;

турли хил мураккаб дурагайлаш усуллари орқали яратилган юқори авлод ашёлар орасидан қимматли-хўжалик белгилари бўйича генетик жиҳатдан бойитилган генотипларни ажратиш;

мураккаб дурагайлаш асосида яратилган ғўза оилалари ва тизмаларида айрим хўжалик белгиларининг ўзаро коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

мураккаб дурагайлаш усуллари орқали хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган бошланғич ашёлар ва янги ғўза навини яратиш ҳамда уларни амалий селекция жараёнига тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб Тошкент-6, С-6532, С-9070, С-4911, Ан-Боёвут-2, Юлдуз, Қирғиз-3, Оқдарё-6, С-2609, Омад, Ан-415 навлари иштирокида яратилган мураккаб дурагайларнинг юқори авлодлари ҳамда улардан ажратиб олинган оила ва тизмалари қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган белги ва хусусиятларга эга қимматли рекомбинантлар, оилалар, тизмалар ва навлар яратишда мураккаб дурагайлаш усулларини қўллаш орқали яратилган, хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва айрим хўжалик белгилари орасидаги коррелятив боғлиқликларни ўрганиш, қўш ва беккросс чатиштириш усулларида олинган манбаларда белгилар трансгрессиясини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мураккаб қўш ва беккросс дурагайлаш, фенологик кузатувлар, вилтга бордошлилик, танлов ишлари, намунавий теримлар олиб бориш, математик, вариацион ва коррелятив таҳлил усулларида фойдаланилган. Тола сифат кўрсаткичлари ЎЗР «Сифат» Марказида замонавий NVI қурилмасида аниқланган. Барча математик ва статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услублари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўрта толали ғўза навлари селекциясида турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида янги оилалар яратилган;

оилаларда қимматли хўжалик белгиларнинг яхшиланиши ота-она генотипига ҳамда қўлланилган усулларга боғлиқ равишда шаклланиш қонунияти асосланган;

қўш дурагайлаш усулида яратилган оилаларга нисбатан беккросс дурагайлаш орқали яратилган оилаларнинг тезпишарлиги, вилтга бардошлилиги, толасининг сифат кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган;

бир дона кўсақдаги пахта вазни ва тола чиқимини оширишда беккросс дурагайлаш усулининг устунлиги, 1000 дона чигит вазнини оширишда қўш дурагайлаш усулининг афзаллиги аниқланган;

мураккаб ғўза оилаларининг хўжалик белгиларида намоён бўладиган айрим салбий коррелятив боғлиқликларни бартараф этиш йўли билан юқори мажмуага эга ашёлар ажратиб олиш имконияти ўрганилган;

мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгилари ва тола узунлиги юқори, хосилдор ҳамда вертицеллэз вилтга бардошли янги СП-7304 ғўза нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

янги яратилган юқори авлод мураккаб дурагайларидан генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, маҳсулдор, тола чиқими ва сифати ҳамда 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг юқори мажмуасига эга рекомбинантлар, қатор оилалар ва тизмалар ажратиб олинган ва улар бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнларига тавсия этилган;

ғўзанинг ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган янги С-7304 нави Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, оилалар яратилишида қўлланилган дурагайлаш усуллари ва дала тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган натижаларни назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, экспериментал маълумотларни статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўза навлари селекциясида турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида турли хил мураккаб чатиштириш усуллари орқали янги оилалар яратилганлиги, оилаларда популяциялар ҳажмини ошириш қимматли хўжалик белгилари бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни танлаб олиш имкониятини юқорилиги тасдиқланиб, белгиларни яхшиланиши ота-она генотипига ҳамда қўлланилган усулларга боғлиқ равишда шаклланиш қонуниятлари илмий асослаб берилганлиги; янги яратилган мураккаб оилаларнинг хўжалик белгилари ўртасидаги айрим салбий коррелятив боғлиқликларни бартараф этиш йўли билан қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга ашёлар ажратиб олиш имкониятларини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўш ва беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилалар орасидан асосий қимматли-хўжалик белгилари

бўйича андоза навлардан яққол устунликка эга бўлган янги тизмаларни яратилганлиги ҳамда уларни амалий селекция жараёнларида қўллаш учун тавсия этилганлиги, кимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга СП-7304 янги ғўза навини яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта толали ғўза навлар селекциясида мураккаб дурагайлашнинг самарадорлиги бўйича олинган натижалари асосида:

қўш дурагайлаш усулида янги, юқори ҳосилдор, тезпишар Т-240-41/07 тизмаси яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 02/020-269-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тизма андоза С-6524 навига нисбатан 4,0-4,5 ц/га юқори ҳосилдорликка ва 1-3 кунга тезпишарликка эришилган;

беккросс дурагайлаш усулида вертицеллёз вилт (*V.dahliae* Kleb.) га бардошли, бир дона қўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими юқори Т-391-92/07 ва Т-480-81/07 янги тизмалари яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 02/020-269-сон маълумотномаси). Натижада кимматли хўжалик белгилари мажмуига эга бўлган янги тизмалар селекция жараёнларида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилган;

мураккаб дурагайлаш асосида юқори маҳсулдор, тезпишар, вертициллёз вилтга чидамли, тола чиқими юқори, ҳосил бериш суръати юқори бўлган СП-7304 нави яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 02/020-269-сон маълумотномаси). Натижада нав Давлат нав синаш комиссиясининг Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ нав синаш участкасига наводорлигини баҳолаш (грунт назорат) учун қабул қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг

илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўза навлари селекциясида турли хил мураккаб частиштириш усулларини қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ўза навлари селекциясида турли хил мураккаб частиштириш усуллари ва уларнинг аҳамияти, мураккаб частиштириш усуллари орқали яратилган оилаларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, қўш ва беккросс частиштириш усулларини ўзада ҳам қўллаш имкониятлари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан олинган натижалари таҳлил қилинган.

Адабиётлар таҳлили асосида мураккаб дурагайлаш усули турли кишлоқ хўжалик экинларининг ирсий жиҳатдан кенг ўзгарувчанликка эга рекомбинантларни олиш ҳамда селекция учун қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган бошланғич ашёни яратишда жуфт ва қўш дурагайлашдан ташқари беккросс, мураккаб частиштириш усулларидан фойдаланиш имкониятлари кенглиги ҳақидаги хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шаронти, объектлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида изланишларда фойдаланилган тадқиқот ўтказилган жой, шароити, манбаи ва услублари баён қилинган. Тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилганлиги келтирилган.

Тадқиқот манбаи сифатида ўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб Тошкент-6, С-6532, Оқдарё-6, Юлдуз, С-9070, С-4911, Ан-Боёвут-2, Қирғиз-3, С-2609, Омад, Ан-415, С-6524 навлари иштирокида яратилган мураккаб дурагайларнинг юқори авлодлари ҳамда улардан ажратиб олинган оила ва тизмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А. Доспеховда келтирилган услублар бўйича олиб борилган.

Диссертациянинг «**Яратилган оилаларда тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида қўш ва беккросс дурагайлаш орқали яратилган оилаларда тезпишарликнинг ҳосилдорлик элементларининг, тола чикими ва тола узунлиги белгисининг тола сифати кўрсаткичларининг шаклланиши ва барқарорлашуви, вертицилёз вилтга толерантликнинг шаклланиши таҳлил этилган.

Тажрибада иштирок этган оила ва тизмаларда эртапишарликка эришишда оналик сифатида иштирок этаётган нав генотипига боғлиқ равишда белги шаклланиб боради. 2012 йилда олинган натижалар «ниҳол униб чиқиш-50% гуллаш» даври бўйича ўрганилаётган қўш ва беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилаларнинг аксарияти андоза С-6524 (60,6 кун) ва Наманган-77 (60,7 кун) навларига нисбатан эрта гуллаганлиги аниқланди. Қўш дурагайлаш усулида яратилган оилалар орасида О-1824/27 (58,8 кун) оиласи бошқа оилаларга ва андоза С-6524 ва Наманган-77 навларига нисбатан тегишли равишда 1,8 ва 1,9 кун эрта гуллаганини кўрсатди. Қўш дурагайлаш усулида

яратилган оилаларда ниҳол униб чиқишидан 50% гуллашгача бўлган давр 56,0 (О-2302/05) кундан 61,1 (О-1813/18) кун оралигида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Мураккаб оилаларда вегетация даври кўрсаткичлари, 2012 й.

Оилалар	“ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш”, кун			“ниҳол униб чиқиш-50% пишиш”, кун		
	M±m	σ	V, %	M±m	σ	V, %
Кўш дурагайлаш оркали яратилган оилалар						
О-2015/29	60,9±0,28	1,85	3,04	107,8±0,61	3,96	3,68
О-1813/18	61,1±0,56	1,79	2,93	109,5±1,04	3,31	3,02
О-1819/21	60,0±0,57	1,15	1,92	110,5±1,49	2,12	1,91
О-1833/35	57,1±0,51	1,45	2,55	109,0±2,9	4,24	3,89
О-2302/05	56,0±1,08	2,16	3,85	109,5±0,5	0,70	0,6
О-2763/71	60,8±0,50	1,74	2,87	108,4±1,26	4,35	4,02
О1828/32	59,7±1,60	3,20	5,36	106,0±0,57	1,15	1,08
О-1822/23	60,0±0,62	2,91	4,85	109,8±1,10	2,71	2,47
О-1824/27	58,8±0,72	2,72	4,63	105,0±0,37	1,38	1,31
Беккросс дурагайлаш оркали яратилган оилалар						
О-2069/72	59,4±0,40	2,33	3,93	106,6±0,56	3,28	3,08
О-2073/82	60,2±1,18	3,73	6,02	110,5±0,84	2,07	1,87
О-2438/45	59,5±0,59	2,66	4,47	105,0±1,06	4,73	4,51
О-2087/92	59,7±0,63	1,25	2,1	108,7±1,03	2,06	1,89
О-2093/98	59,2±0,72	2,05	3,46	104,8±0,81	2,29	2,18
О-2101/03	60,5±1,44	2,88	4,77	105,0±0,81	1,64	1,55
О-2104/06	60,5±0,53	2,71	4,49	107,5±0,61	3,11	2,89
О-2107/08	61,3±0,76	1,86	3,03	106,6±0,33	0,81	0,76
О-2109/22	61,5±1,5	3,0	4,87	109,5±1,44	2,88	2,63
Андоза нав						
С-6524	60,6±0,55	1,36	2,25	108,0±1,29	3,16	2,92
Наманган-77	60,7±0,43	2,16	3,56	107,0±0,73	2,93	2,73

Беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилалар орасидан эса ушбу белги бўйича О-2093/98 (59,2 кун), О-2069/72 (59,4 кун), О-2438/45 (59,5 кун) оилаларининг эрта гуллаганлиги қайд этилди. Умуман беккросс оилаларида “ниҳол униб чиқишидан 50% гуллашгача” бўлган давр 59,2 (О-2093/72) кундан 61,5 (О-2109/22) кунгача бўлди.

Кўш дурагайлаш усулида яратилган оилаларда «ниҳол униб чиқишидан 50% пишишгача» бўлган давр 105 (О-1824/27) кундан 110,5 (1819/21) кунгачани ташкил этган бўлса, беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилаларда ушбу кўрсаткич 104,8 (О-2093/98) кундан 110,5 (О-2073/82) кунгача оралиқда бўлганлиги кузатилди.

Мураккаб оилаларнинг аксарияти андоза навлардан тезпишар бўлганлиги аниқланди. Шунга қарамадан, қўш дурагайлаш усулида яратилган оилаларга нисбатан беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилаларнинг бирмунча тезпишарлиги намойён бўлди.

Тезпишарликнинг ўрганилган ҳар иккала компонентлари бўйича олинган натижалар мураккаб дурагайлашда иштирок этган навларнинг генотиби ва уларнинг дурагайлардаги рекомбинация даражасига боғлиқ равишда шаклланишини кўрсатди. О-2093/98, О-1824/27 оилалари тезпишарлик бўйича диққатга сазовор бўлиб, уларни амалий селекция ишларига жалб этилиб, бошланғич ашё сифатида фойдаланилиши яхши самара беради. Тезпишарликнинг ўрганилган «нихол униб чиқиш-50% гуллаш», «нихол униб чиқиш-50% пишиш» бўйича олинган натижалар мураккаб дурагайлашда иштирок этган навларнинг генотиби ва уларнинг дурагайлардаги рекомбинация даражасига боғлиқ равишда шаклланишидан далolat беради.

Тажрибада ўрганилган ҳосилдорлик элементларидан бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни бўйича таҳлиллари келтириб ўтилади. Бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича қўш дурагайлаш йўли билан яратилган О-1822/23, беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган О-2069/72 йирик кўсақли оилаларда ажратиб олинди. 1000 дона чигит вазни бўйича қўш ва беккросс оилаларда кескин фарқ кузатилмади. Қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар орасида О-1828/32, беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар орасида О-2109/22 оилалари йиллар давомида барқарор равишда ижобий натижа кўрсатди. Мураккаб чагиштиришда ота-она шакллари тўғри танланиши бир дона кўсақдаги пахта вазини нисбатан тезроқ яхшилаш имконини беради. Ажратиб олинган оилаларнинг белги бўйича юқори натижага эга бўлиши, уларни келиб чиқишида С-9070, С-Ан-Боёвут-2, С-2609 каби бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни юқори, ҳосилдор бўлган навларнинг иштирокидан деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, бугунги кун талаби – тола чиқими 38% дан кам бўлмаган ашёлар яратиш ҳисобланади. Шунга қўра, эътиборни тола чиқим юқори бўлган оилалар ажратиб олишга қаратдик.

2010 йилда олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ажратиб олинган қўш ва беккросс оилаларнинг аксарияти Наманган-77 (36,5%) нави даражасида ёки белги бўйича андоза С-6524 (36,8%) навидан устунликни намойён этди. Яъни О-2015/29 (36,9%), О-1833/35 (38,3%), О-2087/92 (39,6%), О-2101/03 (37,4%), О-2104/06 (37,8%) оилаларидан ташқари барча оилалар андоза С-6524 (36,8%) навига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этиб, Наманган-77 (36,5%) навидан эса О-2438/45 (41,6%) ва О-2093/98 (41,0%) оилалари юқори устунликни намойён этишди. Ўзгарувчанлик амплитудаси қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларда 4,0 % дан (О-1819/21) 11,3% гача (О-2015/29) бўлган бўлса, беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларда 3,10% дан (О-2073/82) 10,8%гача (О-2099/00) бўлганлиги қайд этилди (2-жадвал).

2011 йилда олинган тола чиқими бўйича таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ажратиб олинган оилаларда, шунга қарамадан уларда белги бўйича кўрсаткич андоза (С-6524 - 36,3%, Наманган-77 - 34,2%) навлар даражасида ёки улардан юқори бўлганлиги кузатилди.

Ажратиб олинган оилаларда тола чикими кўрсаткичларининг шаклланиши

Оилалар	2010 й.			2011 й.			2012 й.		
	тола чикими, %			тола чикими, %			тола чикими, %		
	M±m	δ	V,%	M±m	δ	V,%	M±m	δ	V,%
Қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар									
O-2015/29	36,9±1,2	4,2	11,3	36,5±0,4	2,8	7,5	37,3±0,6	2,9	7,9
O-1813/18	38,6±1,3	2,5	6,6	36,0±0,8	3,4	9,5	36,4±0,8	1,4	3,9
O-1819/21	38,0±0,5	1,5	4,0	35,3±1,3	3,3	9,5	39,4±0,8	2,8	7,2
O-1833/35	38,3±1,0	2,4	6,3	37,8±0,5	3,5	9,6	41,2±3,2	6,3	15,3
O-2302/05	38,0±0,4	2,5	6,6	36,2±0,4	3,2	8,7	40,9±0,9	1,7	4,2
O-2763/71	39,1±0,9	1,5	3,9	35,2±0,4	2,46	6,4	37,8±1,5	4,0	10,7
O1828/32	38,5±0,9	3,0	7,8	35,1±0,6	2,49	7,11	35,5±0,9	1,7	4,79
O-1822/23	38,2±0,6	2,2	5,8	36,6±1,5	4,22	11,5	37,5±1,2	1,7	4,5
O-1824/27	38,6±0,9	1,6	4,2	38,3±0,6	2,35	6,14	39,7±0,8	1,6	4,2
Беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар									
O-2069/72	38,1±0,9	1,9	5,1	38,1±0,3	2,5	6,67	39,5±1,7	6,9	17,5
O-2073/82	39,4±0,4	1,3	3,10	37,4±1,1	2,6	7,05	38,7±1,3	1,9	5,1
O-2438/45	41,6±0,7	1,6	3,8	36,4±0,7	3,18	8,76	36,4±0,4	1,6	3,7
O-2087/92	39,6±1,1	3,5	9,0	38,7±0,5	2,26	5,98	42,0±1,7	2,4	5,8
O-2093/98	41,0±0,9	1,8	4,5	37,6±0,6	3,60	9,60	38,4±0,5	2,3	5,9
O-2099/00	38,2±1,1	4,1	10,8	37,3±0,5	2,75	7,37	40,2±1,9	6,6	16,3
O-2101/03	37,4±1,9	3,3	8,9	37,5±0,7	3,20	8,73	38,3±1,0	1,7	4,6
O-2104/06	37,8±0,7	3,1	8,1	38,9±0,4	2,25	5,78	38,7±0,4	2,2	5,6
O-2107/08	38,3±0,9	1,6	4,3	38,6±0,9	3,64	9,44	38,0±0,9	1,7	4,6
O-2109/22	39,4±1,4	3,7	3,9	36,7±0,4	2,23	6,07	39,8±3,5	8,7	21,9
Андоза нав									
C-6524	36,8±2,5	5,1	12,8	36,3±1,0	2,1	5,5	37,3±1,5	1,7	4,9
Наманган-77	36,5±1,5	3,1	8,5	34,2±0,6	2,0	5,5	36,6±1,2	1,6	4,2

2011 йилда ижобий натижа кўрсатган қўш дурагайлаш орқали яратилган O-1824/27 (38,3%), O-1833/35 (37,8%), беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар O-2069/72 (38,1%), O-2087/92 (38,7%), O-2104/06 (38,9%) ва O-2107/08 (38,6%) барқарор равишда белги бўйича юқори натижа кўрсатди. Қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларда тола чикими 35,1% дан 38,3% гача, беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларда эса 36,4%дан 38,9% гача ораликда бўлганлиги кузатилди.

Қўш оилаларда тола чикими белгиси андоза навлардан тегишли равишда 1,1 %; 1,0% ва 1,2%; 1,1% паст бўлган (O-1828/32; O-2763/71) оилалар қайд этилган бўлса, беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилаларнинг барчаси белги бўйича андоза навлардан устун бўлганлиги қайд этилди. Ажратиб

олинган оилаларнинг синфлар бўйича жойлашуви 30,1%дан 44% гача бўлганлиги, улар орасидан О-1822/23, О-2104/06 оилаларида синфда ўнг томонга оғиш юқори бўлганлиги қайд этилди. Ажратиб олинган оилаларнинг ўзгарувчанлик амплитудаси кўш оилаларда 6,14% (О-1824/27) дан 11,5% (О-1822/23) гача, беккросс дурагайлаш усулида яратилган оилаларда 5,78% (О-2104/06) дан 9,60% (О-2093/98) гача ораликда бўлганлиги кузатилди.

2012 йилги тола чиқими белгиси бўйича тахлил натижалари шуни кўрсатдики, кўш дурагайлаш орқали яратилган оилаларда 35,5% (О-1828/32) дан 41,2% (О-1833/35) гача ораликда бўлганлиги қайд этилди. Ажратиб олинган оилаларда тола чиқими кўрсаткичи андоза С-6524 (37,3%) ва Наманган-77 (36,6%) навларига нисбатан юқори ёки андоза навлар даражасида бўлиб, фақатгина улар орасидан О-1813/18 (36,41%) оила тегишли равишда андоза навлардан 0,89% ва 0,19% бирмунча пастрок натижани намоён қилди.

Беккросс дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларнинг деярли барчаси 38% дан юқори бўлган тола чиқимига эга бўлганлиги қайд этилиб, улар орасидан фақатгина О-2438/45 оиласида 36,4% бўлган натижа кузатилди. Шунга қарамасдан, ушбу оиланинг белги бўйича кўрсаткичи андоза Наманган-77 (36,6%) нави даражасида, С-6524 навидан эса 0,9% пастрок тола чиқимига эга бўлганлиги қайд этилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу йил жадвал кўрсаткичларига кўра, беккросс оилаларда кўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларга нисбатан тола чиқими 38% дан юқори бўлган оилалар сони кўпроқ бўлганлиги кузатилди.

Тола чиқими белгисининг ўзгарувчанлик амплитудаси юқори бўлмаганлиги, яъни кўш оилаларда 4,2% (О-2302/05) дан 10,7% (О-2763/71) гача, беккросс оилаларда 4,6% (О-2101/03) дан 17,5% (О-2069/72) гача бўлганлиги қайд этилди. Демак, ўз ўрнида ажратиб олинган оилаларнинг белги бўйича анча барқарор ҳолатга келганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоиз, ижобий трансгрессияни аниқлаш оилаларда популяциялар ҳажмини ошириш ва каттарок ҳажмдаги танлаш ишларини амалга ошириш орқали белги бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни топиш мумкин. Тола чиқими бўйича олинган натижалар бошқа белгиларга нисбатан кўпроқ ижобий натижалар олиш мумкинлигидан далолат беради. Бу эса белгининг яхшиланиши ашёларнинг ота-она генотипига нисбатан шаклланиши билан бир қаторда, чатиштириш усулларини ҳам тўғри танлай билиш самарали эканлигидан далолат беради.

Демак, тола чиқимини оширишда йиллар давомида барқарор равишда белги бўйича юқори самара берган О-1833/35, О-1824/27, О-2069/72, О-2107/08 ва О-2087/92 оилалардан селекцион ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Толанинг сифат параметрларидан бири – бу тола узунлиги ҳисобланади. Жаҳон андозаларига мос тола сифатига эга бўлган ғўза навлари яратиш долзарб вазибалардан бири ҳисобланади. Тола сифатини аниқлашда, шунингдек, толани sanoat типларига ажратишда толанинг штапель узунлиги асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тола узунлиги бўйича ижобий кўрсаткичга эга бўлган оилаларни танлаб олиш имконияти мураккаб дурагайлашда юқори бўлганлиги аниқланди. Айниқса беккросс дурагайлаш

усулининг бу ўринда самарали эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Тола узунлиги бўйича О-2305/05 ҳамда О-2069/72 оилалари барқарор равишда юкори натижа кўрсатганлиги қайд этилди.

Қўш ва беккресс оилаларда микронеър кўрсаткичи бўйича деярли фарк сезилмади. Нисбий узилиш узунлиги ва юкори ўргача узунлик бўйича беккресс дурагайлаш йўли билан яратилган оилаларнинг устунлиги кузатилиб, ушбу белгиларнини яхшилашда беккресс чапиштириш усулидан фойдаланиш яхши самара бериши аникланди. Толанинг сифат кўрсаткичларидан тола майинлигини яхшилашда ажратиб кўрсатилган барча оилалардан, нисбий узилиш кучи бўйича ижобий натижага эришишда О-2015/29, О-2069/72 оилаларидан, толанинг узунлигини оширишда О-2069/72, О-1813/18, О-2302/05, О-2763/71, О-1828/32 ва О-1822/23 оилалардан амалий селекция жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Ўзада барча қимматли хўжалик белгилари билан бир қаторда вилтга бардошлилик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ўза хосилдорлиги кўп ҳолларда навларнинг вилтга бардошлилигига боғлиқ. Изланишларимизда вилт билан табиий зарарланган фонда *Verticillium dahliae* Kleb. га бардошлилик даражаси таҳлил қилинди. 2012 йил маълумотларига кўра, вилт билан умумий даражада зарарланиш қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар андоза С-6524 (29,8%) навига нисбатан кам даражада зарарланди. Фақатгина бошқа оилаларга нисбатан қўш дурагайлаш йўли билан яратилган оилалардан О-2763/71 (18,9%), беккресс дурагайлаш йўли билан яратилган оилалар орасидан О-2109/22 оиласи (19,1%) кўп зарарланганлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. Ажратиб олинган оилаларнинг вилт билан зарарланиш даражаси, 2012 й.

Вертицеллёз вилт билан кучли даражада фақатгина О-2109/22 оиласи 7,5%, О-2763/71 оиласи 6,8%, О-1822/23 оиласи 7,6% зарарланганлиги қайд этилди, шунга қарамадан андоза С-6524 навидан тегишли равишда 3,3%, 2,6% ва 2,5% кам зарарланганлиги намён бўлди. Беккресс дурагайлаш йўли билан яратилган оилалардан О-2073/82 оиласи умумий ва кучли даражада умуман зарарланмаганлиги кузатилди. О-2073/82 оиласида барқарор равишда вилтга

бардошлилик кузатилиб, ушбу оилани вилтга бардошли ашё сифатида генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг «**Ўрганилган оилаларнинг айрим қимматли хўжалик белгилар бўйича коррелятив боғлиқликлари**» деб номланган тўртинчи бобида қимматли хўжалик белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар келтирилган.

Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларининг миқдорий белгилари ирсийлигининг асосий хусусияти уларнинг ўзаро боғлиқлигидир.

Ажратиб олинган оилаларда тезпишарлик ва вилтга бардошлилик белгилар орасидаги ўзаро коррелятив боғлиқлик таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, қўш дурагайлаш орқали яратилган оилалардан О-1833/35 ($r=-0,85$) оиласи, беккресс дурагайлаш орқали яратилган О-2087/92, О-2073/82, О-2099/00 (тегишли равишда $r=-0,90$; $r=-0,78$; $r=-0,72$) оилаларида кучли даражадаги салбий коррелятив боғлиқлик қайд этилди. Қўш дурагайлаш орқали яратилган О-1828/32 ($r=-0,46$) оиласи ва беккресс дурагайлаш орқали яратилган О-2104/06 ($r=-0,37$) оиласида ўрта даражадаги салбий коррелятив боғлиқлик кузатилган бўлса, қўш дурагайлаш орқали яратилган О-2763/71 ($r=-0,09$) ва О-1819/21 ($r=-0,21$) оилаларида, О-2109/22 ($r=-0,02$) беккресс оилаларида кучсиз даражадаги салбий коррелятив боғлиқлик кузатилди.

Қўш дурагайлаш орқали яратилган О-1822/23 ($r=0,78$) оиласида кучли даражадаги ижобий боғлиқлик кузатилган бўлса, қолган О-1824/27 ($r=0,07$), О-2302/05 ($r=0,11$) ва О-1813/18 ($r=0,03$) оилаларда кучсиз даражадаги ижобий боғлиқликни гувоҳи бўлди. Беккресс оилаларда тезпишарлик ва вилтга бардошлилик бўйича кучли даражадаги ижобий боғлиқлик О-2763/71 ($r=0,98$;) оиласида, О-2069/72 ($r=0,34$) оиласида ўрта даражадаги, О-2438/45 ($r=0,25$), О-2104/06 ($r=0,17$), О-2107/08 ($r=0,01$) ва О-2438/45 ($r=0,25$) кучсиз даражадаги ижобий коррелятив боғлиқликлар қайд этилди.

Жадвал маълумотларига кўра, шуни хулоса қилиш мумкинки, қўш дурагайлаш орқали яратилган оилаларга нисбатан беккресс дурагайлаш орқали яратилган оилалар орасида кучли даражадаги салбий коррелятив боғлиқликка эга бўлган ашёлар нисбатан кўпроқ ажралиб чиқди.

Ажратиб олинган қўш ва беккресс оилалардан коррелятив боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, бир пайтнинг ўзида ҳам тезпишар ҳам вилтга бардошли бўлган ашёларни ажратиб олиб, улардан генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Маълумки, тола чикими ва тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни ва тола чикими ўртасидаги табиатан ўзаро тесқари боғлиқликларни анчайин машаққатли меҳнат талаб қилади. Ушбу тесқари боғлиқликларни узиш, яъни ҳам тола узунлиги ва тола чикими, ҳам 1000 дона чигит вазни ва тола чикими юқори бўлган ашёлар яратиш селекционерлар олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Тадқиқотларда мана шу вазифаларни бажаришга ҳаракат қилинди.

3-жадвал маълумотларига кўра, тола узунлиги ва тола чикими бўйича таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, қўш дурагайлаш йўли билан яратилган О-1824/27 ($r=0,64$) оиласида ўрта даражадаги ижобий боғлиқлик, О-2015/29 ($r=0,16$) оиласида эса кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик кузатилди.

Яратилган оилаларда тезпишарлик ва вилтга бардошлилик, тола узунлиги,
1000 дона чигит вазни ва тола чикими орасидаги боғлиқлик

Оилалар	тезпишарлик ва вилтга бардошлилик	тола узунлиги ва тола чикими	1000 дона чигит вазни ва тола чикими
	г	г	г
Қўш дурагайлаш орқали яратилган оилалар			
О-2015/29	-0,36	0,16	0,35
О-1813/18	0,03	-0,04	-0,75
О-1819/21	-0,1	-0,23	-0,32
О-1833/35	-0,85	-0,13	-0,43
О-2302/05	0,11	-0,58	-0,05
О-2763/71	-0,09	-0,10	-0,21
О1828/32	-0,46	0,25	-0,44
О-1822/23	0,78	-0,11	-0,07
О-1824/27	0,07	0,64	0,06
Беккросс дурагайлаш орқали яратилган оилалар			
О-2069/72	0,34	-0,17	0,29
О-2073/82	-0,78	0,30	0,03
О-2438/45	0,25	0,13	-0,04
О-2087/92	-0,90	0,02	0,28
О-2093/98	0,17	0,07	0,02
О-2099/00	-0,72	-0,19	-0,61
О-2763/71	0,98	-0,57	-0,40
О-2104/06	-0,37	-0,42	0,33
О-2107/08	0,01	-0,06	0,37
О-2109/22	-0,02	0,17	0,06

$t_{\geq 1,01}$ корреляцияни мавжудлик критерияси

О-2302-05 ($r=-58$) оиласида ўртача салбий даражадаги, қолган оилаларда эса кучсиз даражадаги салбий коррелятив боғлиқликлар кузатилди. Беккросс дурагайлаш орқали яратилган оилалардаги натижалар эса кучсиз ижобийдан кучсиз салбийгача бўлганлиги намоён бўлди. Яъни О-2073/82, О-2438/45, О-2087/92, О-2093/98 ва О-2109/22 оилаларида коррелятив боғлиқлик тегишли равишда $r=0,30$, $r=0,13$, $r=0,02$, $r=0,07$ ва $r=0,17$ бўлиб, кучсиз даражадаги ижобий боғлиқликлар кузатилди. Қолган оилаларда эса кучсиз даражадаги салбий боғлиқликлар аниқланди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ажратиб олинган оилалар орасида тола узунлиги ва тола чикими ўртасида кучли даражадаги ижобий боғлиқликлар кузатилмади, асосан ўрта ва кучсиз даражадаги ижобий боғлиқликларга эга бўлган ашёлар ажралиб чиқди. Улар орасидан фақатгина қўш дурагайлаш орқали яратилган О-1824/27 оиласидаги тола узунлиги ва тола

чикими ўртасида ўртача ижобий коррелятив боғлиқликка эга бўлганлиги қайд этилди. Ўрта ва кучсиз даражада ижобий боғлиқликлар қайд этилган оилаларни генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида тақдим этиш мумкин.

Тола чикими ва 1000 дона чигит оғирлиги ўртасидаги коррелятив боғлиқлик селекция жараёнларида катта аҳамиятга эга. Изланишларимизда ушбу белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларга ҳам эътиборни қаратдик.

